

А Ж Р И М

(жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2022 йил 21 апрель куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси Қўқон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 41-уйда бўлиб, судья Қ.Абдуллаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси З.Рахматиллаевнинг котиблигида, тарафлардан Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғ.Рўзиев, судланувчи А.Абдухамидов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Х.Азимов, жабрланувчи Ғ.Рахмоноваларнинг иштирокида,

Абдухамидов Ахрор Алиевич (Abduxamidov Ahror Aliyevich), 1983 йилда Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, хусусий тадбиркор, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жииноят ишлари бўйича Олтиарик туман судининг 2008 йил 18 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 28,182-моддаси 2-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланиб, 2010 йил 29 август куни жазони тўлиқ ўтаган, Қўқон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 41-уйда яшаган, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 16 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчига оид 1-1503-2205/321-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суриштирув органи томонидан тўпланган ҳужжатларга кўра, судланувчи Абдухамидов Ахрор Алиевич 2022 йил 3 февраль куни соат 8:00 ларда яшаш хонадони Қўқон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 41-уйда турмуш ўртоғи Рахмонова Гулибону Расуловна билан оилавий келишмовчилик сабабли оғзаки жанжаллашиб, жанжал давомида хотини Ғ.Рахмоновани юз ва бош қисмига қўли билан қасддан уриб тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизанинг 2022 йил 4 февраль кунги 615-сонли хулосасида Ғ.Рахмоновада бош мия чайқалиши, ўнг ва чап чакка сохалари юмшоқ тўқимаси лат ейиши, чап кўз атрофи қовоқларида, чап ёноқ соҳасида, пешона соҳасида, чап елка ва чап билак сохаларида қон талашлари, чап кўз олмасига қон қуюлиши каби жароҳатлар борлиги аниқланиб, бу тан жароҳатлар қаттиқ-ўтмас жисмлар таъсирида етказилгани ва жароҳатлари олти кундан кўп, йигирма бир кундан кам бўлган муддатга соғлиқни бузилишига олиб келган енгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи А.Абдухамидов ва жабрланувчи Ғ.Рахмонова судда, ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини муносабати билан тугатишни сўрашди.

Судланувчи А.Абдухамидов судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2022 йил 3 февраль куни соат 8:00 ларда яшаш хонадони Қўқон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 41-уйда турмуш ўртоғи Рахмонова Гулибону Расуловна билан оилавий келишмовчилик сабабли оғзаки жанжаллашиб, жанжал давомида хотини Ғ.Рахмоновани юз ва бош қисмига қўли билан



қасддан уриб тан жароҳати етказгани, айбига иқрорлигини, ҳозирда жабрланувчига етказилган зарарни қоплаганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Г.Рахмонова судда, судланувчи Абдухамидов Ахрор 2022 йил 3 февраль куни соат 8:00 ларда яшаш хонадони Қўқон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 41-уйда у билан оилавий келишмовчилик сабабли оғзаки жанжаллашиб, жанжал давомида уни юз ва бош қисмига қўли билан қасддан уриб тан жароҳати етказгани, унга етказилган зарар қоплангани, шу сабабли судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги сабабли ярашгани, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Г.Рахмонова ва судланувчи А.Абдухамидовларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор ва ҳимоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи А.Абдухамидовнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва иш бўйича зарарлар йўқлигини, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, А.Абдухамидовга юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

А.Абдухамидов жабрланувчи Г.Рахмонова билан ярашгани сабабли жинойий жавобгарликдан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчи Абдухамидов Ахрор Алиевичга оид 1-1503-2205/321-сонли жиноят иши ярашув муносабати билан тугатилсин.

А.Абдухамидовга қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кун муддатда Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

Қ.Абдуллаев

